O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Яхшиларнинг яхшиларига овоз берайлик!

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1999 йил, 3 декабрь, № 39 (232) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

Депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий юрт манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

КАРИМОВ Ислом Абдуғаниевич

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И. Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра, И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова — иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

И. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисод, фан, таълими ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиқлол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир:

— Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

— демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир;

— марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди:

— халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислоҳотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган;

— Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислоҳотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

— КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;

— халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

— халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга таранним этишда буюк хизмат қилди:

— одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

— юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди;

— моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими — Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб келмоқда;

— маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

— юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қиёфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўп миллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Мараҳимович

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. 1964 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашкан қишлоғидаги 14-сон ўрта мактабни, 1969 йилда эса Тошкент Давлат университетини фалсафа ихтисослиги бўйича тамомлаган. Файласуф. 1976 йили «Гегель ва Шарқ халқлари фалсафий фикри» мавзуида номзодлик, 1992 йили «Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари» мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара қўшинлари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг) узлуксиз равишда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади, ТошДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти фалсафа кафедраси мудири, ТошДУ қошидаги олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Мазкур соҳаларга оид 250 дан зиёд чоп этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: «Инсон омили: фалсафа, мафкура, сиёсат» (Т.: 1991, рус тилида); «Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура» (Т.: 1994); «Мустақиллик масъулияти» (Т.: 1996); «Истиқбол уфқлари» (Т.: 1998) номли монографиялар бор. Шунингдек, «Ўрта Осиё халқлари фалсафий мероси ва ғоялар кураши» (Т.: 1988, рус тилида) мавзуидаги жамоавий монография ҳамда «Фалсафа» (Т.: 1999) ўқув қўлланмаси ҳаммуаллифи. Илмий ишлари АҚШ, Буюк Британия, Белорусь, Россия, Ҳиндистон, Қирғизистон, Эстония мамлакатларида чоп этилган. Х. Халқаро гегелчилар конгресси (Москва, 1974), ХХ Бутунжаҳон фалсафа конгресси (АҚШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Деҳли, Москва, Минск, Киев, Таллин, Теҳрон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Инсон, жамият, халқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, манфаат, маънавият, фалсафа, эркинлик, ахлоқ, маданият, мустақиллик, сиёсат, мафкура каби кўплаб, ҳамиша мунозараталаб, «абадий» тушунча, муаммоларга янгича талқин беришга ҳаракат қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланган.

1993—1996 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўйича докторлик ҳимоясига ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиёсатшунослик ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш аъзоси, худди шу йил ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратига ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудири муовини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи котиби (1994). 1999 йилнинг октябрь ойида Ўз ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 та фарзанди, 5 набираси бор.

Кейинги йилларда:

— ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадқиқ этувчи, юксак малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илм-фан ютуқларини тарғиб қилувчи нуфузли даргоҳга айланди;

— Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий негизларини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар амалга оширилмоқда;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари ўсди, унинг ўзи ғоявий-сиёсий жиҳатдан улғайди, ташкилий томондан мустаҳкамланди, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Парламенти — Олий Мажлисда энг йирик франкцияга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг аксарияти таркибида ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қарорларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга қаратилган дастурларни рўёбга чиқариш саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар;

— қатор мамлакатларнинг, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг сиёсий тажрибаси уларга қилинган ташриф орқали ўрганилди;

— Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўсини оширишга хорижий мамлакатларга партия вакилларининг ташриф буюриши, чет эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчихоналар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, партия қўйи тузилмаларида қабул қилиш орқали эришилди;

— буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПни мамлакатда рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этишининг, уни юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда тотувликни сақлашнинг муҳим сиёсий омили бўлишининг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда;

— шулар боис Ўзбекистон ХДП халқимиз барча қатламлари, хусусан, оддий меҳнаткаш, фуқаро эҳтиёжларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жиддий курашга тайёр сиёсий куч эканлигини барча ватандошларимиз тобора яққол англамоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 6.00дан бошланиб, кеч соат 20.00гача давом этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабига кўра овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келгач, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига мувофиқ ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса, бюллетень олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Бирор бир сабабга кўра айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдиришни махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъиян таъқиқланади.

Сайловчи бирор бир сабабга кўра сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдира олмаса, у бошқа бир кишини ёрдамга чақириши мумкин. Бундай ёрдам кўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчига ёрдам кўрсатишлари таъқиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатга олинмайди.

Биттадан ортиқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайловчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Башарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси унга янги бюллетень беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса, сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади.

Тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғида тартиб сақланиши учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.

Округ сайлов комиссиясининг муҳри (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

Участка сайлов комиссиясининг муҳри (имзо) (имзо)

00 — БАҲОР САЙЛОВ ОКРУГИ — 5 декабрь 1999 йил

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР:
КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ:

АНТОНОВ Алексей Сергеевич	1936 й., «Адолат» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар 11-касалхонаси врачи	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	
	1936 г., член партии «Адолат», врач больницы № 11 города Ташкента	Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат»	
БОТИРОВ Шокир Ғуломович	1946 й., «Ватан тараққиёти» партияси аъзоси, «Тошиссиқликкоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси	
	1946 г., член партии «Ватан тараккиёти», инженер производственного объединения «Таштеплокоммунэнерго»	Партия Узбекистана «Ватан тараккиёти»	
РАСУЛОВ Ўктам Рўзиевич	1940 й., «Миллий тикланиш» партияси аъзоси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 37-мактаб директорининг ўринбосари	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	
	1940 г., член партии «Миллий тикланиш», заместитель директора школы № 37 Чиланзарского района города Ташкента	Демократическая партия Узбекистана «Миллий тикланиш»	
ТУРСУНОВ Маҳмуд	1944 й., «Фидокорлар» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар телефон станцияси оператори	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси	
	1944 г., член партии «Фидокорлар», оператор телефонной станции города Ташкента	Национально-демократическая партия Узбекистана «Фидокорлар»	
Цой Михаил Аркадьевич	1936 й., ЎзХДП аъзоси, «Шарқ» кичик корхонаси директори	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	
	1936 г., член партии НДПУ, директор малого предприятия «Шарк»	Народно-демократическая партия Узбекистана	
ФОЗИЛОВА Турсуной Пулатовна	1940 й., партиясиз, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳи ўқитувчиси	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	
	1940 г., без партийный, преподавательница Ташкентского института текстильной и легкой промышленности	Совет народных депутатов города Ташкента	
ҚОСИМОВ Толип Шукурович	1949 й., партиясиз, «Кундуз» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	
	1949 г., без партийный, председатель акционерного общества открытого типа «Кундуз»	Инициативная группа избирателей	

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.

НАМУНА

Абдулла ТУРДИЕВ

«АДОЛАТ»ГА ОВОЗ БЕРИНГ, «АДОЛАТ»ГА!

Иншооллоҳ, Ватан йўли — саодатга,
Фаришталар омин айтгай пок ниятга.
Субҳи саҳар юлдузларга юзин чайиб,
Сайлов руҳи о, руҳ қўшар хуш одатга.

Ҳур ниятнинг Ҳумо қуши Ҳурриятга,
«Адолат»га овоз беринг, «Адолат»га!

Мустақиллик бизнинг энди — ҳур, бахтлимиз,
Эзгуликнинг умри боқий, дер халқимиз.
Амир Темур ҳикмат айтар: «Адолат—куч»,
Адолатни туғ айлашга биз ҳақлимиз.

Эй, ватандош, етай десак саодатга —
«Адолат»га овоз беринг, «Адолат»га!

Буюк юртнинг йўли ойдин, тонгги порлоқ,
Адолатни қилажакмиз доим байроқ,
Мард инсондир Юртбошимиз— халқнинг бахти —
Юрт ҳақида ўйлаш доим унинг ахди.

Ғоя билан кураш очдик жаҳолатга —
«Адолат»га овоз беринг, «Адолат»га!

Нав-ниҳолдай дуркун-дуркун ёшларимиз,
Ҳар йигит-қиз, не бахт, кўзу қошларимиз.
Насиб этса, Ўзбекистон буюк бўлғай,
О, илоё, омон бўлсин бошларингиз.

Ўн саккиз ёш—о, кўзгудир балоғатга —
«Адолат»га овоз беринг, «Адолат»га!

Бугун сайлов руҳи билан яшар юртим,
Ки, Абдуллоҳ — шоирингман, қалам сурдим.
Ким муносиб номзод — овоз бермоқ учун—
Поклик истаб, шабнамларга юзим ювдим.

«Оқ йўл!» бўлсин шоирона бу даъватга,
«Адолат»га овоз беринг, «Адолат»га!

2 декабрь, 1999 йил. Тошкент.

Ислом Каримов:

МЕН ЎЗИМНИ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ, БАЛКИ ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ҲАМ ФАРЗАНДИ ДЕБ БИЛАМАН!

Мамлакатимизнинг XX1 асрдаги тараққиёт йўлини изчил давом эттириш, халқимизнинг эртанги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда Олий Мажлисга, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар натижаси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2 декабрь куни Нукус шаҳрида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари, тадбиркорлар ва зиёлилар, чорвадорлар, хотин-қизлар ва талабалар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдикерим Мамбеткаримов очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов сўз олиб, сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакат раҳбари сифатидаги серқирра фаолиятига, юрт озодлиги ва ободлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ишларига, миллатлар ва элатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқ турмуш даражасини кўтариш, миллий давлатчилик асосларини яратиш, тарихий анъаналарини тиклаш, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли - ўзбек моделини ишлаб чиқиш, давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги улкан хизматларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари унинг номзодини қўллаб-қувватлаган Жўқорғи Кенгес депутатларига, бутун қорақалпоқ халқига миннатдорлик билдириб, ўз сайловолди учрашувларини қорақалпоқ диёридан бошлаганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Мен ўзимни ўзбек билан тили, дили ва қисмати бир бўлган қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан, деди Ислом Каримов. Бугунги учрашувдан асосий мақсад мамлакатимизда ўтказилаётган муҳим сиёсий тадбир - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов масаласи бўйича фикр алмашиб олишдан иборат.

Ислом Каримов бугун юртимизда кечаётган сайлов жараёнлари демократик тамойиллар ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганидан, халқимизнинг сиёсий тафаккури юксалаётганидан далолат беришини таъкидлаб, бу жараёнда турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида тортишувлар, баҳс-мунозаралар, ўзаро рақобат бўлиши табиий эканлигини айтиб ўтди.

Лекин, менинг бу борадаги истагим, қатъий фикрим шундан иборатки, ҳар қандай кескин кураш чоғида ҳам ҳалоллик, бир-бирига ҳурмат, инсоннинг шахсиятига тегмаслик каби халқимизга хос азалий фазилатлар унутилмаслиги лозим. Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Президентликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурини, унда кўзда тутилган устивор йўналиш ва вазифаларни баён этиш билан бирга, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга тўхталди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Қорақалпоғистон диёрида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида, ҳудудларимиз ўртасида бошқалар билан солиштириб бўлмайдиган алоҳида ўрин ва ҳуқуққа эга. Чунки, у кўпмиллатли Ўзбекистон оиласида, Ўзбекистон давлати ва жамиятида ўзига хос, ўзига мос алоҳида эътиборга молик.

Юртбошимиз бизнинг миллий хусусиятларимиз жуда яқин бўлса-да, қорақалпоқ халқи ўзининг қадимий тарихи, урф-одатлари, анъаналари, тили, маданиятига хос бетакрор жиҳатлар билан ажралиб туришини айтиб ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат сиёсатини амалга оширишда, жамият қурилишини ислоҳ қилишда бу ҳолатни асло эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий имкониятлари бекиёс: бугунги кунда бу ерда чорвачилик маҳсулотлари, пахтачилик, шоли ва бўғдой етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилмоқда, саноат тобора равнақ топмоқда. Ислом Каримов минтақада табиий маъданлар, темир, фосфоритлар, туз, нефть ва газнинг улкан заҳиралари мавжудлиги, бу эса саноатимизнинг янги тармоқларини яратиш имконини беришини таъкидлади. Истиқлол йилларида барпо этилган Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи, Ҳўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабель заводлари сингари корхоналар мамлакат салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Йўлбошчимиз сўнгги йилларда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилганини, жумладан, Қорақалпоғистонда барпо этилган "Элтекс", "Катекс" каби хорижий технология билан жиҳозланган йирик корхоналарда юзлаб қорақалпоқ қизлари меҳнат қилаётгани ҳаммамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлаб, яқин йиллар ичида Қорақалпоғистон йирик саноат минтақасига айланишига ишонч билдирди. Зеро, Қўнғирот автомобиль йўли ҳам, Нукус мармар заводи ҳам, Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўли ҳам биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларга тўхталиб, Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудуди бўлиб, унинг табиати ва иқлими ғоятда мураккаб эканлигини қайд этди.

Бу йил қорақалпоқ меҳнаткашлари ўтган йилдагига нисбатан 40 минг тонна пахта, 35 минг тонна кўп шоли ҳосили етиштиришди, галла тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Келгуси йил мириқишкор деҳқонлар шолизорларни кенгайтириб, 114 минг гектарга етказиш, умумий экин майдонини эса яна минг гектарга ошириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Қорақалпоғистон иқтисодиёти ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов кўпдан-кўп ечимини кутаётган муаммолар қаторида учта масалага алоҳида эътибор бериш даркорлигини уқтирди.

Авваламбор, аҳолининг тез ўсаётган суръатларини инобатга олиб, иқтисодиётнинг структурасини қайта кўриб чиқиш керак. Ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида ривож топишга имконияти ва салоҳияти мавжуд корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарур. Бу борада эса бозор инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи муҳим масала - барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш. Айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун шароит яратиш.

Учинчи - энг муҳим, энг долзарб масала - оддий меҳнаткашларнинг ишга муносабатини ўзгартириш, аввало, моддий манфаатдорлигини ошириш чораларини кўриш.

Қорақалпоқ халқининг оғир табиий шароитда ҳам ўз юртига содиқ қолиб, шу заминни севиб-ардоқлаб келаётгани, қийинчиликларга мардона чидаб ҳаёт кечираётгани, астойдил меҳнат қилаётгани чинакам қаҳрамонликдир. Бу сабр-матонат ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга арзийди, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Орол муаммосига эътиборни қаратиб, бу денгиз атрофида яшайдиган қарийб 35 миллион аҳолининг ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик таҳдид эканлигини, уни бартараф этиш чораси кўрилмаса, нафақат Марказий Осиё, балки Европа, қолаверса, бутун жаҳон ҳаво ҳудудини бузадиган умумбашарий фожиага айланиши муқаррарлигини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон бу минтақавий муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш бўйича бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари Ўртасида Орол муаммосига бағишланган Битим имзоланди, Давлатлараро Кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Айтиш жоизки, бу тадбирлар ўзининг дастлабки самараларини бермоқда.

Лекин, Юртбошимиз қайд этганидек, бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Орол муаммоси сақланар экан, биз нафақат Қорақалпоғистон, бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳаётимизнинг барча жабҳалари тараққиётини таъминлаш масалаларида бу фожианинг таъсирини ҳар қадамда сезиб турамиз.

Айни вақтда ҳукуматимиз Қорақалпоғистон заминида яшаётган одамларнинг сиҳатсаломатлигини асраш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида белгиланган амалий ишларни давом эттирмоқда, деди Ислом Каримов.

Кейинги беш йил ичида Оролбўйи минтақасида 70 минг гектардан зиёд яшил ҳудуд барпо этилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизни, ичимлик сув билан таъминлаш эса 60 фоизни ташкил этди.

Ёшлар тарбияси масаласига тўхталар экан, Ислом Каримов Кадрлар таёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида Қорақалпоғистонда қилинаётган ишлар диққатга сазовор эканлигига урғу берди. Республикада 23 та лицей, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Янги йилда яна иккита академик лицей, 14 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилади, 2005 йилга бориб эса, коллежлар сони 114 тага етади. Шу билан бирга, Йўлбошчимиз қишлоқларда ҳам академик лицейларни кўпайтириш, қишлоқ ёшларига илм олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш масаласига эътиборни жалб қилди.

Бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтаришдан мақсад, деди Ислом Каримов, болаларимизга замонавий билим, тарбия бериш, уларнинг бошқалардан кам бўлмаслигига эришиш, бугунги мураккаб ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси орқали қорақалпоқ элининг 21 нафар ўғил-қизи бугунги кунда Америка, Буюк Британия, Япония, Германия каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Ўзингиз ўйланг, етмиш йил мобайнида бирорта қорақалпоқ йигити Америкага бориб таълим олганмиди, деди Йўлбошчимиз.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган ҳукумат дастурини бажариш юзасидан Қорақалпоғистонда сезиларли ишлар амалга оширилганини қайд этди. Жумладан, Нукусда Оналар ва болалар шифохонаси, Беруний туманида Жарроҳлик маркази, "Тахиатошдон" ҳиссадорлик жамиятига қарашли соғломлаштириш маркази, қишлоқ жойларда 40 га яқин янги тиббий хизмат пунктлари ишга туширилди, Аҳчакўл соҳилида "Орол болалари" халқаро таълим-соғломлаштириш маркази қад ростламоқда.

Қорақалпоқ спортчиларининг халқаро мусобақалардаги йирик ғалабалари эса, инсон саломатлигини мустаҳкамлашда, уни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг равнақидан дарак беради.

Айни пайтда, Қорақалпоғистонда 379 та футбол майдони мавжуд бўла туриб, республика шарафини ҳимоя қиладиган кучли футбол жамоаси йўқлиги кишини ачинтиради, деди Ислом Каримов.

Шунингдек, у ўзининг сайловолди дастури "Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда" рисоласида батафсил баён этилганлиги, ундаги устувор йўналиш ва стратегик вазифалар умумдавлат миқёсида ишлаб чиқилганлигини таъкидлади. Жумладан, дастурда Қорақалпоғистон Республикасини 2005 йилгача ривожлантириш тамойиллари, бу заминда яшаётган одамларнинг эҳтиёж, талаб ва интилишлари ҳам ўз амалий ифодасини топади. Дастурнинг асосий мақсади - халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг оғирини енгил қилиш, озод Ватанимизни янада обод этишдан иборат. Ўзбекистоннинг истиқболи Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи - Ўзбекистоннинг истиқболидир, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзини якунлар экан, жумладан шундай деди: - Гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб, асрлар давомида янги-янги авлодларга етказиб келаётган қорақалпоқ зиёлиларига, авваламбор, шоир ва адибларга, рассом ва бастакорларга, атоқли санъаткору ёш, ёркин истеъдод эгаларига ҳар қанча олқишлар айтсак арзийди.

Мен боя айтганимдек, ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан. Шу азиз Ватанимизнинг гуллаб яшнаши, шу буюк халқимизнинг ёруғ келажаги, бахту саодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳамиша хизмат қилишга тайёрман, деди Ислом Каримов.

Шундан кейин сайловчилар сўз олишди. Қўнғирот туманидаги "Хоразм" овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Халмурза Шаниязов, Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир" ширкатлар уюшмаси раиси Ағитай Адилов, Нукус Давлат педагогика институти қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг 1-курс талабаси Мийрхан Қайипназарова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов симосида кўришларини, шунинг учун ҳам қорақалпоғистонлик сайловчилар якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини айтишди.

- Халқимизнинг бахту саодатини, тинчлик ва осойишталигини сиз ҳатто ўз ҳаётингиздан ҳам баланд қўясиз. Шунинг учун ҳам барча оналар сизни жон дилидан яхши кўради, - деди сўзга чиққан Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Хонимжон Ражапова. - Халқимиз жамики яхшиликларнинг бошида Сизни кўради, "Биз кўнглимизда Президентимизни аллақачон сайлаб қўйганмиз!"-дейишади.

-Сизнинг Қорақалпоғистонга келишингиз ҳамиша байрам бўлади,- деди Беруний туман марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири Бозорбай Оразалиев. - Бугун ҳам одамлар йўлингизга чиқиб, қандай очиқ чеҳра билан кутиб олишганини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Бу халқимизнинг Сизга бўлган меҳру муҳаббатидан далолат эмасми!

Қорақалпоқлар ҳам, бошқалар ҳам Сизнинг одилона сиёсатингиздан мингдан-минг рози. Сиз бизнинг Йўлбошчимизсиз! Илоё, бошлаган хайрли ишларингизни ўзингиз давом эттиринг!

- Ишонаман, Ўзбекистон халқи буюк келажак йўлида ҳамиша Сизга елкадош бўлади!-деди Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Людмила Трёхина.- Биз Сизни орзу-ҳаваларимизни рўёбга чиқарувчи фидойи инсон деб биламиз!

Шу куни Ислом Каримов шаҳар кўчаларида ўз истиқболига чиққан нукусликлар билан ҳам учрашди. Қизғин ва самимий суҳбат пайтида қулфи дили очилган сайловчиларнинг "Биз Сиз билан, Сиз биз билан!", "Қаранг, қиш бўлса-да, осмон Сизнинг чеҳрангиздай очилиб кетди!", "Йўлингизни берсин!", "Сизга оқ йўл тилаб қоламиз!" - деган қанотли олқишлари янграб турди.

Ғаффор ҲОТАМОВ,
Беҳзод УСМОНОВ
(ЎзА)

• *Бизнинг номзодлар*

ЭЛГА ЕЛКАДОШ

Шаҳрисабз дон маҳсулотлари комбинати қурилишини тезлаштириш, оёққа турғазиш, ривожлантириш зарурати туғилган кезлар эди. Қурилишга раҳбарлик қилаётган Акбар Темиров масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда шу мақсад учун бор тажриба ва маҳоратини ишга солди. Тинимсиз изланиб, елиб-югурди. Бунинг натижасида бир вақтлар пахта экиб келинган майдонда буғдойни тозалаш ва сақлаш цехи қад ростлади. Кичик тегирмон цехи ишга туширилиб, аҳоли қўлидаги буғдойдан ун тайёрлаш йўлга қўйилди. Яна токарлик, механика, электр двигателларини қайта таъмирлаш цехлари барпо этилди. Бу билан 20 киши иш билан таъминланди. Комбинатда аҳил, ҳамжиҳат жамоа юзага келди. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 184 миллион сўмдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бунинг эвазига қўшимча тармоқлар ривожлантирилиб, янги ишга туширилган савдо дўконларида ун, макарон, омухта емни сотиш йўлга қўйилди. Жамоа раҳбари Акбар Темировнинг саъйи-ҳаракати билан икки қаватли дам олиш хонаси, тиббий муассаса, ошхона, иссиқ нон цехлари фаолият кўрсата бошлади. Биргина иссиқ нон цехининг ўзида айни пайтда 30 нафарга яқин ишчи меҳнат қиляпти. Бу ерда ҳар ойда 130 тонна ундан 13 хил нон маҳсуотлари тайёрланмоқда. Энг муҳими шаҳар аҳолиси Германиянинг «Винклер» фирмаси ускуналарида пиширилган сифатли нон ва нон маҳсулотларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Шаҳрисабз «Дон — халқ ризқ-рўзи» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Акбар Темировнинг бевосита ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги боис айни пайтда бу ерда хизмат қилаётган ҳар бир ишчи ва хизматчининг ойлик иш ҳақи ўртача 15 минг сўмни ташкил этяпти. Ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили қўшимча цехлардан 539 минг сўм соф фойда олинди. Бу йил эса 15 миллион сўм фойда олиш мўлжалланмоқда. Шу билан биргаликда жамоанинг уй-жой шароитларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилятпи. Яқинда бу ерда 16 оилага мўлжалланган уй-жой, 10 та коттеж қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Акбар ака раҳбаримизгина эмас, бизнинг энг яқин кишимиз, маслакдошимиз, суянчигимиздир, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси Раҳматжон Назаров. — Қачон бирор юмуш билан қабулларига кирсак албатта ижобий ҳал қилиб берадилар. Яқинда томимизни шифер билан ёпиш учун ёрдам сўраб келган эдим. Бир зумда масалани ҳал этиб, дилдан ёрдам берди.

— Мен ҳам Акбар Темировдан беҳад миннатдорман, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг ҳисобчиси Наргиза Назарова. — У мен каби ўнлаб ёшларга устозлик қилди. Касб сирларини эгаллашимизда фойдали йўл-йўриқлар кўрсатди. Ёшларга жуда меҳрибон. Ҳар бир байрам у кишининг ташаббуслари билан жамоамизда ўзига хос тарзда нишонланади. Жамоамиз аъзоларига совғалар улашилади. Яна бир нарса, ишчилар соғлигини тиклаш учун ҳиссадорлик жамияти томонидан ҳар йили бепул йўлланмалар бериб турилибди. Шахсан ўзим икки маротаба Тошкентдаги сиҳатгоҳларга бориб, даволаниб, дам олиб келдим.

Инсофи борнинг барокати бор, дейишади. Биз суҳбатда бўлган Холмат Исломов, Равшаной Меликова, Ниёз Низомхўжаев сингари ўнлаб ишчилар Акбар Темировнинг яхши фазилатлари, комил инсон эканлиги хусусида фахрланиб гапиришди.

Дарҳақиқат одамдаги энг улуғ фазилат яхшилик қилмоқ ва гўзал ҳулқ эгаси бўлмоқдир. Унга ростгўйлик билан ҳаёдек фазилат бирлашса у комил инсон бўлиб етишади. Қутиқболи унинг ҳузурига бош эгиб келаверади. Менинг назаримда Акбар ака ана шундай фазилат соҳиби. Зеро, унинг келгусидаги ниятлари ҳам қутлуғ. Шу йил ҳиссадорлик жамиятида Германиянинг «Нагема» фирмаси билан ҳамкорликда ун ишлаб чиқариш учун ускуналарни келтирмоқчи. Бунинг учун ҳамма ҳужжатлар тахт. 2000 йилда янги барпо этилган бинода печенье, макарон цехларини ишга туширишни ниятида. Мақсад эса битта: ички бозорни тўлдириш, халқни сифатли маҳсулот билан таъминлаш. Ҳа, Акбар ака ана шундай улкан ишлар бошида турибди. Унинг кимлигини, қандай юмушлар билан жон қуйдираётганлигини элу халқи, аҳил жамоаси яхши билади. Шунинг учун ҳам Акбар аканинг номзодини қишлоқдошлари 235-Шаматон сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар. Энди унинг номзоди сайловда ўтса, Олий Мажлисда минглаб сайловчилар номидан иш кўради. Мустақил давлатимизнинг порлоқ истиқболи учун бош қотиради.

Дарвоқе, Акбар ака суҳбатларимиздан бирида:

— Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, қобилиятимиз билан истиқлолимизни мустаҳкамлашга, ёшларимизни етук инсонлар бўлиб етишишларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак, — деди.

Ҳа, Акбар Темиров ўзи айтганидек, ҳар тонг турмуш ўртоғи Танзила Темирова, фарзандлари Асадхон, Феруза, Заҳро ва Саноатхонлар билан хайрлашаётиб, шу ўйни кўнглидан ўтказади. Унинг яхши орзу ниятлари кўп. Орзуга эса айб йўқ. Илоҳим, муҳтабар истиқлолимиз унинг орзуларини ушалишига имкониятлар эшигини очаверсин.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ЮРТ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙМАН

ҚОБИЛЖОН НАСРУЛЛАЕВ, САМАРҚАНД ТАЙЁРАГОҲИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА АВИАПАССАЖИРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАСИ ДИРЕКТОРИ, 104 — СИЁБ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД:

— Ўзбекистондаги аксарият оилалар кўп болали оила. Улар орасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлари бор. Демак парламентда шу йўналишда қабул қилинадиган ҳар битта қонун оилалар ғамхўрлиги билан суғорилган бўлиши керак. Муаммони аввал ўзимиз пайдо қилиб, сўнгра у билан курашиш мантиққа тўғри келмайдиган иш. Ёки ишсизлик муаммосини олайлик. Одамларга моддий ёрдам уюштирган билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Унинг илдизини, юзага келиш сабабларини қидириш лозим. Ҳар йили мактабларни минглаб ёшлар битириб чиқаяпти. Уларнинг тақдири ҳақида олдиндан режали иш олиб бораяпмизми?

Ёки оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Мен кўп болали оналарнинг иш вақтини 2 соатга қисқартиришни қонунга киритилишини ёқлаб чиқмоқчиман. Яна бир муҳим масалани эътиборга олиб гапиришни истайман. Кейинги пайтларда вилоятимизда ҳам, туманимизда ҳам қўшма корхоналар сони кўпайди. Бу албатта яхши саъй-ҳаракат. Одамлар қисман иш билан таъминланаяпти. Бироқ ўша корхона жойлашган ҳудудни ободонлаштириш, ижтимоий инфратизилмани такомиллаштириш яна давлатнинг зиммасида қолиб кетаяпти. Фарҳод қўрғонини олайлик. «ЎзБАТ» қўшма корхонаси бу ерда сигарета фабрикасини очиб миллионлаб даромад олаяпти. Аммо социал эҳтиёжлар йўлида маблағни эҳтиёткорлик билан сарфлаяпти. Нега энди фабрика ўз атрофини қўрғон қилиб ўраб, ободончиликдан қочиши керак. Фикримча қонун улар зиммасига айни шу борада аниқ мажбуриятлар юклаши керак.

Мулкдорлар, деҳқон-фермерлар ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш зарур деб ҳисоблайман. Чунки янги бозор иқтисодиётини қийналиб бўлса-да яратаётганлар шулар. Қонун барча тоифадаги мулкдорлар учун бирдек амал қилиши лозим. Аммо банкротлик қонунини қўллашдан чўчиманлигимиз лозим. Чунки буюртмалар портфелини шакллантиролмаган, касодга учраган, қарзга ботган корхонани зўрлик билан ушлаб туришдан фойда йўқ. Бу боқимандалик кайфиятини кучайтиради холос.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқариш эгаларига кўпроқ ҳуқуқ бериш тарафдориман. Бевосита аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарга солиқлар масаласида имтиёзни кенгайтириш зарур.

Қисқаси биз XXI асрга янги фикр, янги интилиш, янги мақсадлар билан қадам қўяяпмиз. Келгусида қандай яшашимиз танлаш ҳуқуқидан фойдаланишда хато қилмаслигимизга боғлиқ. Фақат ҳалоллик, покизалик, адолат ва ҳақиқатга эргашайлик.

КАТТА ИШЛАР БЎСАҒАСИДА

Дунёда шундай одамлар бўладики, уларнинг бой ҳаёт йўлига назар ташлаганинг сайин гўзал фазилатлари ва сифатлари янада ёрқинлашаверади. Ҳамза туманидаги 31-Машинасозлар сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод — Тошкент Давлат авиация институтининг ректори, профессор Шарафутдин Ғанихонов ҳам ана шундай: айтганинг сайин айтгинг келаверадиган, ёзганинг сайин ёзгинг келаверадиган ўткир салоҳиятли, чуқур билимли, маънавияти юксак замондошларимиздан бири.

Мен аслида Шарафитдин ака ҳақида бундан бир неча йил илгари Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг котиби, техника фанлари номзоди Равшан Ҳайдаровнинг кўп ва хўп мамнун бўлиб гапирганини эшитгандим. Мана, маҳаллий Кенгашларга ўладиган сайловлар арафасида у билан юзма-юз суҳбатлашиб ўтирибмиз. Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод Шарафутдин Фасхитдинович кўпни кўрган олижаноб, ажойиб инсон экан. Унинг оғир-босиқлиги бу сифатларини янада бойитади. Зеро, бу ҳаммада ҳам бўлавермайдиган нодир қобилиятдир.

Номзоднинг таржимаи ҳолига бир назар ташланг-а, бунга ўзингиз ҳам комил ишонч ҳосил қиласиз. Шарафутдин ака 1932 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек.1955 йили ўрта мактабни битириб Ўрта Осиё политехника институтига ўқишга кирган. Уни муваффақиятли тамомлагач, 1960 йили «Ўзгипрошахт»да муҳандис бўлиб ишлаган. 1961-1965 йилларда Тошкент авиация заводида муҳандис-технолог вазифасини бажарган. Сўнг Москва авиация институтининг аспирантурасида ўқиган. 1968-1983 йилларда Тошкент политехника институтининг самолётсозлик факультетида ассистент, кат та ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. 1995 йилгача Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиги бўлган. 1995 йилдан ҳозирги вақтга қадар Тошкент Давлат авиация институтининг ректори лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали, икки фарзанднинг отаси.

— Шарафутдин аканинг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси боис институт қисқа вақт ичида оёққа туриб тилга тушди, — дейди институт касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳайрулла Ғуломов биз билан суҳбатда. — Базавий корхоналар билан яқин алоқа боғлаш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбеккоинот» коинотни тадқиқ қилиш ассоциациялари билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатилди. Эндиликда уларнинг буюртмасига мувофиқ янги мутахассисликларни очиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда ҳам домла ўзининг билими ва салоҳиятини алоҳида намоён этмоқда. Унинг раҳбарлигида мамлакатимиз авиаиндустриясини ривожлантириш бўйича стратегик дастур ишлаб чиқилган ва шунга мувофиқ жаҳонга машҳур «Боинг» компанияси билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориляпти.

— Шарафутдин Фасхитдинович, ўз устида мукаммал ишлайдиган, доимий равишда ўз малакасини, иқтисодий ва имлий назарий савиясини ошириб борадиган, доимо янгиликка интиладиган, қатъиятли ва сабр-тоқатли инсондир, — дейди институтнинг биринчи проректори Ҳамида Хуснитдинова суҳбатимизга қўшилиб. — У битта ихтиро, 70 дан ортиқ илмий иш ва бешта ўқув методик қўлланма ва қатор монографияларнинг муаллифидир.

— Жамоамизнинг қайси бир аъзоси ёки талабалар билан гаплашманг домла ҳақида ҳамиша самимий фикрларни эшитиб қувонасиз, — дейди маркетинг бўлимининг бошлиги Давлатбек Хожиберганов. — Бунинг боиси бор. Шарафутдин ака ҳамиша ҳаётнинг олдида юрадиган инсон. Каттага ҳам, кичикка ҳам бир хил муносабатда бўлади. Улардан ёрдамини аямайди. Ўқув даргоҳимизнинг ташкил этилганига ҳеч қанча бўлгани йўқ. Аммо биз янги технология ва компьютерларни қўллаш бўйича ҳозир биринчи ўринга чиқиб олдик. Энг охирги моделлардаги компьютерларимиз «Интернет»га боғланган. У орқали биз истаган маълумотимизга эга бўлишимиз мумкин.

Яқиндан бошлаб институтимиз қошида малака ошириш институти ташкил этилди. Унда диспетчерлар, раҳбар ходимлар ва техник хизматчилар ўз билимларини чуқурлаштиришмоқда. Шарафутдин ака биз каби ёшларнинг меҳрибон мураббийси. Бунга мана бир мисол: самарқандлик Ботир Усмонов ўқишни тугатиб Ҳиндистонда уч ой «стажировка»да бўлиб келди. Эндиликда у Олмониянинг Гамбург шаҳридаги университетда магистратурада ўқияпти. Бошқа ўнлаб ёшлар эса чет элдаги нуфузли ўқув даргоҳларида ўқиб келмоқдалар. Ректоримизнинг раҳнамолиги боис Чорсудаги тил маркази билан ўқитувчи ва талабаларга инглиз тилини ўргатаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад уларнинг жаҳонга чиқиши, дунёнинг соҳамизга оид энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиши, имконияти туғилганда чет элларда ўқиб, тажриба орттириб, малакаларини мустаҳкамлаб келишларига қаратилгандир.

Шарафутдин аканинг «Ҳар бир ишда адолат ғалаба қозониши керак» деган шиори бизни беҳад тўлқинлантирди. У номзод сифатида аниқ амалий ишларга бел боғлаган. Мана унинг сайловолди ҳаракат дастуридан айрим лавҳалар:

- Тошкент шаҳар ҳокимияти орқали нафақахўр ва кичик синфлар ўқувчиларига шаҳар жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- Ўқишдан ташқари вақтда мактаб ёшидаги болаларнинг шуғулланиши учун бепул тўгарак, секция ва спорт клубларини қайта тиклаш;
- Оилаларга қўшимча даромад манбаи сифатида уйда буюртма асосида меҳнат қилишни ташкил этиш;
- Ётоқхонада яшовчилар учун (биринчи навбатда оилаликларга) уй-жой сотиб олиш учун давлат томонидан йигирма йиллик муддатга мўлжалланган кредит билан фоизсиз ссуда ажратиш;
- «ТАОПиЧ», «Ташсельмаш» ва округ ҳудудида жойлашган бошқа корхоналарнинг ишини юритиш, янги иш жойларини ташкил этиш учун давлат ва хорижий сармояларни жалб қилиш;
- Институт базасида 9-11 синфларда ўқиётган ўқувчилар учун чет тилини ва компьютерларни ўргатишга ихтисослашган махсус гуруҳларни ташкил этиш;
- Кам таъминланган оилалар учун озиқ-овқат дўконлари қошида энг керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда сотиш учун махсус бўлимларни очиш.

Шарафутдин ака бугун катта ишлар бўсағасида турибди. У депутатликка сайланса сайловчиларнинг ишончини albatta оқлайди. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. У шундай ажойиб элим деб, юртим деб ёниб-яшайдиган инсон.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

АНДИЖОННИНГ УЛУҒНОРИ БОҒУ БЎСТОНЛАРГА АЙЛАНДИ

Андижонда яхши анъаналар қарор топган. Вилоят раҳбарлари ишнинг кўзини биладиган, инсофли, ҳалолқўл, эли юрти учун фидойи, қатъиятли ва сўзининг устидан чиқишга қодир мутахассисларниҳар доим қўллаб- қувватлашга одатланишган. Албатта қайси туманда адолат улуғланса, меҳнат аҳлига энг яхши шароитлар яратилса, ер билан тиллаша оладиган бободеҳқоннинг қадр-қиммати ўз ўрнини топса, ўша жойга Оллоҳ барокатини сочаверади.

Минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг учинчи ноябри. Вилоят ҳокими «Улуғнор туманида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарорга имзо чекиб ўн минглаб меҳнаткашларнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ бўлган савобли ишга қўл урди. Туманни сурункали қолоқлик ботқоғидан чиқариб олиш учун бу қарор нажот қалъаси вазифасини бажарди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани, иқтисодий ислоҳотлар талаби даражасида иш юритиш учун маблағлар етишмаслиги, газ ва сув таъминотидаги узилишлар, маошларнинг миқдори камайиши ва ўз вақтида берилмаслиги, раҳбарлар қўнимсизлиги, борингки, ўнлаб салбий омиллар натижасида туман иқтисодиёти ночорлашган эди. Ҳайриятки, вилоят раҳбари бош қўшган иш кутилганидан зиёда натижа берди. Икки йилда ўн йилга татигулик эзгу ниятлар амалга оширилди. Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи ва минг тўққиз юз тўқсон саккизинчи йили қарорда белгиланган уч юз олтмишта турар-жой бинолари қуриб битказилди. Уй-жой адолат тамойиллари асосида фақат энг яхши ишлайдиган, ҳалол, ердан зар ундиришга қодир, туман учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ғаллакору пахтакорга, бригада бошлиғию ҳосилотга, фермеру ижарачиларга берилди. Юрагида чўлни бўстонга айлантириш иштиёқи бор, қадамидан ўт чақнайдиган мутахассислар туманга таклиф қилинди.

Фақат «Андижон», М. Иминов номли «Истиқлол» ва «Оқ олтин» ширкатлар уюшмаларининг ўзида элликта турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўн миллионлаб сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Шу турар- жойларга эллик иккита оиланинг 239 нафар аъзолари кўчиб келишди. Ҳовли туйлари қилинди. Замонавий савдо дўконлари қад ростлади. Ўтган йили туманда мавжуд салкам минг километр узунликдаги зовурлар тозаланди. Электрлашган насослар қурилди. Хўжаликлараро каналлар ва ички суғориш тармоқлари таъмирланди. 1999 йилнинг ўзида ўн минг гектар ернинг шўри ювилди.

Айниқса пахтачиликни ривожлантириш туман иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Буни тўғри англаганлар доғда қолмади. Аҳли меҳнат пешона тери эвазига рағбат олсагина самарали ишлаш учун белини янада маҳкамроқ боғлайди. Улуғнорда яхши ишлаганлар кўпайганда кўпайди.

Қишлоқ хўжалигида ишнинг кўзини билгувчи мутахассисларни эъзозлайверинг, фақат фойда топасиз. Улар ҳеч қачон қарздор бўлиб қолмайди. Табиати шунақа. Сабр-бардошли, куч-ғайратию белининг қувватини ерга бахшида қила оладиган, камтарин, суяклари меҳнатда қотган, мард ва иймони покиза бободеҳқонга ҳар қанча қуллуқ қилсак оз. Йўғида сабр, борида шукур қилишни қўллари қадоқлардан ўрганайлик.

Рақамлар, эҳ, бу рақамлар. Дўппиларни осмонларга оттирворган рақамлар: бу йил режа бўйича 48 тонна ўрнига 55 тонна кумуш тола. 4952 тонна ўрнига 5279 тонна сара дон етиштирилди. Ҳар икки соҳада режа вилоятда биринчи бўлиб уддаланди. Пиллачиликдан 9 миллион 463 минг, ғаллачиликдан 312 миллион 183 минг сўм даромад қилинди.

Пахта. Деҳқоннинг ниятидек оппоқ пахта. Улуғнорликлар пахтачиликнинг нозик сирларидан бохабар. Уларни табиатнинг кутилмаган инжиқликларига чидашга бардоши етади. Бу йил ҳам водийнинг пахтакорлари кутилмаган синовларга рўбарў келди. Эрта баҳорда ўн тўрт минг етти юз саксон икки гектар майдонга экилган чигитлар маржондек униб чиққанди. Эҳа, қанча меҳнат, қанча сара уруғлик, қанча харажат. Апрелнинг йигирма иккисида тушган қаттиқ совуқ уч кун деҳқоннинг кўнглига ҳам совуқлик туширди. Маржондек униб чиққан ниҳоллар қаттиқ совуққа дош беролмай нобуд бўлди. Ўшанда туманнинг ўзида саккиз минг гектардан кўпроқ майдонга чигит қайта экилди.

● Ислоҳот ва самара

Ўша кунлари хизмат сафари билан Андижонда эдик. Бевақт нобуд бўлган ниҳолларга ачиниб кўзига ёш олган раису ҳосилотларнинг кўнглини кўтаргандик. Андижонликлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзлари кутган натижани олганлар.

Яна плёнка қўл келди. Харажатлар бирмунча кўп бўлса ҳам қўшимча ишлов, озиқлантириш, эгат ораларига маъданли сув оқизиш тажриба тариқасида синовдан ўтди. Хирмонлар оқ олтинга тўлди. Ўттиз бир минг йигирма олти тонна пахта хом ашёси етказиб берилди. Режа ортиғи билан бажарилди. Саксон фоиздан ортиқроқ пахта юқори навларга қабул қилинганидан қувонмай бўладими?! Дастлабки ҳисоб-китобларга бир назар ташланг. Пахтачиликдан бир миллиард қирқ бир миллион ўттиз икки минг сўм пул даромади қилинди. Хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта хом ашёсидан олти ярим минг тоннадан ортиқ тола, ўн икки минг икки юз тоннадан ортиқроқ чигитдан олинадиган пахта ёғи, кунжара ва шелуха маҳсулотлари хўжаликларга берилади. Улуғнорда деҳқон косаси оқарадиган кунлар келди. Одамларда меҳнатга меҳр ортди. Раҳбарларнинг юзлари ёруғ, лабзлари ҳалол бўлди.

Жорий йилда туманда тўрт юздан зиёд турли йўналишдаги фермер хўжаликлари олдиларига қўйган мақсадларига эришди. Республикада тажриба тариқасида фермерлар уюшган бешта кооперативлар фаолият кўрсатиб яхши натижа берди.

Халқ истеъмоли моллари, саноат моллари ишлаб чиқариш анча ортиб кетди.

Балиқчиликка ихтисослашган «Андижонбалиқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Балиқ маҳсулотларини консерва қилиш цехи ишга туширилди.

Туман ҳудудидан ўтган давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлининг ўн икки километри талаблар даражасида текис ва сифатли асфальтланди. Мингбулоқ қишлоғида олти юз ўринли қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж қурилмоқда. Шунча ўринли коллеж биноси қайта реконструкция қилинди. Замонавий анжомлар билан жиҳозланди.

Ижодкорман. Бир киши ҳақида фикр билдирмоқчи бўлиб қўлга қалам олсам, аввалларида у билан бўлган мулоқотлар ёдга тушади. Ўшанда мустақиллик шабадаси эса бошлаганди. Ҳозир Улуғнор тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Қобилжон Обидов Булоқбоши туманидаги жамоа хўжалигида раҳбарлик қиларди. У етакчилик қилган жамоа нафақат Андижон вилоятида; балки водийда, қолаверса, республикада илғор бўлиб ном чиқарганди. Республика матбуотида у ҳақда ёзилган мақолаларга муаллифлик қилганимдан қувониб юраман.

Ахир, номини улуғлаб сатрлар битган кишинг элда эъзоз топса, бу бахтку!

Қобилжон аканинг Ватан урушида қатнашиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтган камтарин, меҳмондўст, тўғри сўз, меҳрибонлик бобида тенги йўқ отаси билан ҳам тез-тез суҳбат қуриб тураман. Ёши саксонга бориб қолган, иймони бақувват, инсоф диёнатни қадрлайдиган падари бузруквор ўғли ҳақида ёруғ юз, қалб амри, оталик меҳри билан дуолар қилганини гувоҳи бўлганман. Ота рози — худо рози дейдилар. Яхши фарзандларнигина оталари, оналари дил-дилидан дуо қилса ижобати зиёда бўлаверади. Топганига барака киради. Ишлари юришаверади. Обрў топаверади. Донолар айтадики, Парвардигори олам ўзи суйган бандасининг ризқини улуғ, вазифаларини мўл қилиб яратади.

Қобилжон аканинг Улуғнорга қадами ёқди. Чўл боғу бўстонларга айланди. Меҳнаткашларнинг чўнтагига пул тушди. Хушхулқи, ўйлаб-ўйлаб фикр билдиришлари, камтарлиги, аёлларга шавқатлилиги, саховати, адолат ва ҳақиқатни улуғлаши, тежамкорлиги, ғайратлилиги, замонавий технологияларни илғорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этишдаги жонбозлиги билан кўпчиликдан ажралиб туради. Бундай инсонлар ҳақида ҳар қанча самимий тилаклар айтсангиз лойиқдир.

Одамлар уни ҳузурига эмас, унинг ўзи одамларнинг ҳузурига боради. Муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал қилишга одатланган.

— Туманни шуҳрати ортиб бораётганининг сабаби вилоят раҳбарларининг иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш борасида тўғри йўл-йўриқ кўрсатганидадир, — дейди туман ҳокими Қ. Обидов. — Раҳбар доно, узоқни кўра биладиган зукко, донишманд бўлса меҳнаткашнинг касби корига барака кираверади. Оёққа туришимиз учун вилоятдаги барча туманлар раҳбарлари ёрдамга келдилар. Биз уларга минг қўллуқ қиламиз.

Ҳа, Андижонда шундай ҳислатли раҳбарлар жуда кўп. Шу боисдан ҳам вилоятдаги илғор тажрибалар мамлакатга тез ёйилиб бораётир. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга андижонликлар муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Шу ўринда Улуғнор туманидаги ислоҳотларни ривожлантириш борасида тажриба чўқур ўрганилиб, бошқа вилоятларга тадбиқ этилса деган таклиф-мулоҳаза туғилди.

Мана, ҳадемай мамлакатда демократик сайловлар бошланади. Эли юрти ташвишию қувончига шерик бўла оладиган, мард, қишлоқ хўжалиги илмининг устаси, она замин тилсимотларини ечишга қодир, тажрибали мутахассис, Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қобилжон Обидов номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка кўрсатилган. Биз унга омадлар тилаймиз.

Андижонликларнинг дастурхонлари ноз-неъматларга тўлиб тошаверсин, ҳирмонлари юксакларга бўй чўзаверсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

Меҳнат қилган азиз

Сайловчилар билан бўлган бу галги учрашувдан Искандар Эшбековнинг кўнгли тўлди. Ҳар ҳолда улар замон ўзгарганини хис этиб туришар, унинг катта масъулияти борлигини ҳам унутишмаганди. Тўғри, ўзи билан бир округдан Олий Мажлис депутатлигига номзоди қўйилган кишиларнинг ҳар бири ҳам ўзига хос, масъул вазифаларда ишлашади. Лекин давр энг муносиб кишиларни мамлакат парламентига сайлащдек муҳим вазифани сайловчилар зиммасига юкламоқда. Шуни кўнглидан ўтказар экан Искандар Эшбеков эндигина залда оппоқ соқолларини силаб, тўлқинланиб гапирган бир нуроний отахоннинг гапларини эслади. Яхшиларнинг яхшиларига овоз берайлик, деди у. Бу қанчалик улуғ, қанчалик пурмаъно гап.

Аввалги замонларда не-не одамлар депутат бўлиб сайланишмади. Аммо уларнинг элига, юртига келтирган нафини айтишдан ор қиласан киши. Берган тоғ-тоғ ваъдалари юракларининг бир четида қолиб кетди. Шунданми сайловчилар бу галги сайловларга алоҳида масъулият, эътибор билан қарамоқдалар. Ўз номзодларининг мамлакат миқёсида иш олиб борадиган, унинг равнақига хисса қўша оладиган кишилар бўлишига жиддий эътибор бермоқдалар. Хўш, Искандар Эшбековнинг ўзичи? Аравани тортиб кетаоладими? Бугун катта гапларни айтиб эртага уялиб қолмайдими? Ҳозир унинг номзоди 112-Ғўзалкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган. Кураш жиддий кетмоқда. Номзоднинг ишончли вакиллари, уни билган яқинлари Искандарни муносиблар ичра муносиб номзод эканлигини қайд этмоқдалар. Ўз навбатида эл-юрт ҳам унинг хизматларидан мамнун эканликларини изҳор қилмоқда.

Каттақўрғон ёғ-мой акционерлик жамияти раиси Искандар Эшбековнинг ҳаёт йўли эл қатори оддий. Мана ундан айрим мисоллар. У 1947 йили Каттақўрғон шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан сўнг Самарқанд Давлат университетида таҳсил олган. Олий маълумотли муҳандис-механик ихтисосини олган, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатига ишга келган. Бу ерда турли вазифаларда ишлаган, раҳбар лавозимларига сайланган. Кейинчалик ўзи илк фаолиятини бошлаган жамоага раҳбар бўлди. Оилали, 6 фарзанднинг отаси.

Искандар Эшбеков эсини танибдики, меҳнат қилиб тиним билмайди. Унинг одамларга бахш этадиган чексиз ҳузур-ҳаловатларидан баҳраманд бўлиб келади. Зеро, меҳнат бахт келтиради деганларидек Искандар Эшбеков раҳбарлик қилаётган Каттақўрғон ёғ-мой акционерлик жамияти мустақиллигининг ойдин йўлларидан дадил бориб, қувончли натижаларга эришмоқда. Мана ундан айрим лавҳалар: биргина шу йилнинг 9 ойида жамоа бир миллион 727,9 минг сўмлик маҳсулот

ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛ ОЧАР

ишлаб чиқарди. Ўтган даврда 31251 тонна чигит қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Шу билан биргаликда Америкадан олиб келинган 12819 тонна соя донидан ёғ ишлаб чиқарилди.

Албатта меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлар чиройлик деб бежиз айтилмаган. Ишчан жамоа шу билан биргаликда 7400 тонна хўжалик совунини тайёрлаб мамлакатимизнинг турли вилоятларига етказиб берди. 417 тонна шиша идишларга қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилди. Ютуқларнинг боиси бор албатта. Акционерлик жамиятининг раиси Искандар Эшбеков чин кўнгилдан меҳнат қилиб, жамоа ютуқларини бойитиб бораётганларни доим рағбатлантириб боради. Уларнинг ишини муносиб баҳолай олади. Агар жамоанинг ўтган ойлардаги кўрсаткичларига назар ташласак, ишчи-хизматчиларга 1252,5 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирги ислоҳотлар даврида ишни тўғри ташкил этиб, ишлаб чиқаришни ривожлантира олган жамоагина бундай имкониятга эга бўлиши мумкин. Имконият эшикларини эса аввало раҳбар очади. Искандар Эшбеков мана бир неча йилдан буён шу жамоага бош-қош бўлиб келмоқда. Унинг манфаатлари учун астойдил жон куйдираяпти. Биргина миқдорда: бу йил аёллар йил муносабати билан акционерлик жамиятида ишлаётган ҳар бир аёлга 1000 сўмдан тарқатилди. Унинг умумий миқдори 351 минг сўмни ташкил этди. Қолаверса, жамоада ишлаб ўз соғлиқларини тиклашга эҳтиёж сезганларга мамлакатимизнинг турли дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар бериб келинмоқда. Байрамларда ва бошқа оммавий тадбирларда эл дастурхонига гўшт, ёғ ва бошқа маҳсулотлар ажратилмоқда. Қолаверса, жамоада меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг кичкинтой фарзанди 2-болалар боғчасида бепул тарбияланаяпти.

Албатта бу гаплар Искандар Эшбековнинг айни пайтда раҳбарлик қилаётган жамоасида эришилаётган ютуқлардир. Аммо номзоднинг аввалги фаолиятига назар солсангиз Каттақўрғондек саноати гуркираб ривожланиб бораётган бу шаҳарнинг ҳозирги ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшганлигининг гувоҳи бўласиз. Бир пайтлар у халқ депутатлари Каттақўрғон шаҳар кенгашининг раислигига сайланганида сайловчиларга кўнглидаги гапларини айтиб, юрт истиқболи ва равнақи учун хизмат қилишни битирган эди. Ниятига етди. У шаҳарда раҳбар бўлиб ишлаган даврида кўпгина ўзгаришлар амалга оширилди, қулайликлар вужудга келтирилди. Эндиликда ҳам Искандар Эшбеков ана шундай куч-ғайрат, улкан шижоат билан эл-юртга камарбаста бўлиб ишламоқда. Депутатликка сайланса Ўзбекистондек имкониятлари бой мамлакатни янада гуллаб-яшнатишга алоҳида ҳисса қўшишни билдираяпти. Демак, эл-юрт учун алоҳида жон куйдирмоқда. Одатда бундай одамларни доимо эл дуоси қўллайди. Ниятлари ижобат бўлади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбирлари.

— Дугонажонлар, сайловда кимга овоз берасизлар?

— Албатта «Адолат» партияси номзодларига-да!

«Адолат» газетасига обуна бўлишни унутманг!

Нашр кўрсаткичи: 100.

ИМТИҲОННИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Ёки «Ўзавтогаз» тизимидаги қинғирликлар ҳақида

Редакцияга хат келди. Унинг муаллифлари Тоҳир Хўжаназаров билан Алишер Бобоев «Ўзбекавтогаз» бошқармасининг Сирдарё вилоят бўлими операторлари экан. Уларнинг ёзишича, бўлимга янги келган бошлиқ Алишер Қурбонов бир неча кишига, шу жумладан, уларнинг ўзларига ҳам тинчлик бермай, таъқиб остига олмоқда. Ишчи-хизматчилар қўрқув ва хавотирда ишламоқдалар. Айниқса, имтиҳон деб аталмиш бир «тадбир»дан улар титрашади.

Таҳририят хатни текширишни менга топширди. Шу муносабат билан «Ўзбекавтогаз» бошқармасида бир эмас, икки марта бўлиб, унинг бош директори Рустам Азимов билан суҳбатлашдим, баъзи бир масалаларни сўраб суриштирдим. Шуларнинг биттаси ишчи-хизматчилардан олинаётган имтиҳонлар эди.

Бу масала бизда ажабланиш туғдирганининг сабаби бор. Шу йил апрель ойида ҳаммадан имтиҳон олиниб, 2000 йилгача бемалол ишлайверасизлар, деб айтишди. Лекин октябр ойида яна имтиҳон компанияси бошланди. Вилоятда автомобилларни газ билан тўлдирадиган учта станция бор. Шуларнинг бири Гулистон шаҳрида. Таҳририятга хат ёзган иккала оператор ҳам шу станцияда ишлайди. 21 октябрда уларнинг иккаласи ҳам имтиҳондан «йиқилди». Фақат улар эмас, шу станциядаги 12 нафар оператордан тўрттаси ана шу аҳволга тушди. Агар ўша куни сменада бўлган уч оператор имтиҳонда қатнашмаганини назарда тутсак, операторларнинг ярими «яроқсиз»га чиқди. Яъни Рустам Азимов одамларининг чиғиригидан ўтолмади.

Бу ҳол тасодифми? Йўқ. Илгариги имтиҳонларда ҳам шунақа аҳвол юз бериб турган. Бир неча кун ўтгандан кейин кечагина «йиқилган»лар имтиҳон топширишаверган ва қониқарли баҳо олишаверган. Бунинг учун пешоналарини қашишиб, чўнтакларини ковлашган. Вассалом, иш тамом!

Менинг Рустам Азимов билан биринчи учрашувим 21 октябрдаги имтиҳондан кейин, аниқроги 30 октябрда юз берди. Ўша имтиҳон олиш жараёнининг шубҳали туюлгани ҳақидаги фикримни Азимов эшитиб ажаблангандай бўлди. Хўжаназаров ва Бобоевлар ёзган шикоят хатлари билан таништирганимда эса унинг ранги бўзарди. У менга қатъиян рад жавоби беришга тайёр эди, бироқ мен ўзим билан Алишер Бобоевни ҳам олиб боргандим. Уни чақириб, фикрини эшитиш зарурлигини айтдим.

А. Бобоевнинг гаплари Р. Азимовга мутлақо ёқмади. Имтиҳон ҳолисона эмас, балки азалдан тайёрланган сценарий асосида олинди, деди у. Азимов эътироз билдирган эди, Бобоев ҳам бўш келмади. Мен ҳозир сизнинг олдингизда қайта имтиҳон топширишга тайёрман, деди у қатъий. Шундан кейин Азимов ноилож қолди ва 21 октябрда имтиҳон олган кишиларни хонасига чақирди.

Бошлиқни ички бир алам изидан чиқарди. У рўпарасида ҳозир бўлган ходимларни ўтиришга таклиф қилишни ҳам унутиб, бор овози билан бақира кетди:

— Мен бу имтиҳонни бекор қиламан! — деди титраб. Алишер Бобоевни эса «бор ишлайвер» деб чиқариб юборди. Орадан уч кун ўтгандан кейин Гулистонга хабар қилинди: «21 октябрда йиқилганлар 30 октябр куни Тошкентга келишиб, қайтадан имтиҳон топширади». Шундай бўлди ҳам. 30 октябрда тўрт нафар «Йиқилганлар»нинг учтаси имтиҳондан ўтди. Фақат Тоҳир Хўжаназаров яна ўтолмади. Эшитишимча, имтиҳон комиссияси таркибидаги айрим кишилар уни гап билан дўппослашибди. Унинг айби таҳририятга хат ёзгани эмиш. Шуниси галатики, «нега менга келмай таҳририятга шикоят ёздинг», деган гапни Рустам Азимов ҳам Алишер Бобоевга менинг олдимда айтиб, уни хижолатга қўйган эди. Шунчалик ҳам андишасизлик бўладими?!

Шуниси ажабланарлики, Т. Хўжаназаров Гулистон станциясидаги операторларнинг энг кўп ишлагани. У ўн икки йилдан бери, ҳатто огоҳлантиришсиз ишлаб келди. Бироқ, бу йил у энг «ёмон» операторга айланиб қолди. Нега?

Алишер Қурбоновга қадар учала станция ўзича мустақил бўлиб, Гулистон станциясига Эркин Ярашев раҳбарлик қиларди. У ишга келган кундан бошлаб кимнинг орқасида кучли тирговчи борлигини, яъни кимлигини суриштира бошлади. Хўжаназаров билан Бобоевнинг тирговичи йўқлигини билиб олгач, уларни ишдан бўшатиш пайига тушди.

Мана бу воқеага эътибор беринг. Шу йил 16 ноябрда Гулистон станцияси жамоасининг йиғилиши бўлди. Алишер Қурбонов асабий бир ҳолда Тоҳир Хўжаназаровдан сўради:

— Слесарликка ўтасизми ёки ишдан кетасизми?! Билиб қўйинг, хоҳласам, сизни йўқ қилиб юбораман!

Шу гапдан ўзининг қони қайнаб кетдими, бутун жамоага қараб бақирди:

— Ҳаммангни қуритаман!

Ажабо! Алишер Қурбонов ким ўзи?! У нега бунча чиранади?

Ҳар қандай зўр тирговичи бўлган тақдирда ҳам маъна-виятли одам бунақа гапни гапирармиди? Шуниси галатики, Қурбоновнинг катта кетиши билан «Ўзбекавтогаз» бош директори Рустам Азимовнинг оғзи полвонлиги орасида ўхшашлик, боғлиқлик борга ўхшайди. Мен бош директор билан учрашиб қайтганимдан кейин Р. Азимов Республика бўйича тегишли ходимларни чақириб йиғилиш ўтказибди. Ўшанда у, негадир «Адолат» газетаси мухбирини (яъни мени) ҳам эслабди. У таҳминан мана бундай дебди:

— Хўжаназаров билан Бобоев «Адолат»га шикоят ёзибди. Бир мухбир уларнинг аризасини текширгани келибди. Текшираверсин. Мен бундан қўрқмайман?

Аввало Азимовни ҳеч ким қўрқитгани йўқ. Қолаверса, катта бир идоранинг бошлиғига шу гапларни гапириш одобданми? Бизнингча, у юқоридаги гаплари билан бошқаларни огоҳлантириб қўймоқчи. Аниқроғи, ким бизга қарши чиқса, ҳоли гулистонлик Хўжаназаровдек бўлади, деб ҳаммани қўрқитмоқчи. Бошлигининг бу гапларидан куч-қувват олган Қурбонов эса «йўқ қиламан, қуритаман» деб одамларнинг асабини бузяпти.

Гапни чўзиб ўтирмай аниқ далилларга ўтайлик. 1999 йилда Гулистонда ҳам, Сирдарёда ҳам, Янгиерда ҳам тўрт мартадан станция бошлиқлари алмаштирилди. Бу кимга керак? Бундан ким манфаат кўради? Ана шу ҳақда Рустам Азимов ўзидан юқори идоралар раҳбарлари олдида тушунтириш берар! Биз Алишер Қурбонов ҳақида икки оғиз тушунча бермоқчимиз.

Бу одам — тарих ўқитувчиси. Ўз касбида ишламай газ тарқатиш идорасида нима қилиб юрибди, деган савол бизни ҳам қизиқтирди. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, муаллимлик билан унинг «қорни тўймас» экан. Газ тарқатиш станциялари эса худди бензин тарқатиш шоҳобчалари сингари даромадли жой. Одамларнинг гувоҳлик беришича, А. Қурбонов «Ўзбекавтогаз»нинг Сирдарё вилоят бўлими бошлиғи бўлиб келган кундан бошлаб мақсади кўпроқ пул тўплаш эканини билдириб қўйди. Унинг орқасидан эргашиб, Гулистон станциясига бошлиқ бўлиб келган Абдураҳим Мулдабеков эса бу мақсадини яширмасдан дангал айтяпти.

Мана бу гапдан ҳам кулласиз, ҳам ғазабланасиз. Алишер Қурбонов Янгиер станциясига борди ва яқинда бўшаб кетган Содиқ Боймирзаевни чақириб, унинг олдига шундай талаб қўйди:

— Ҳозир стол устига 200 минг сўмни қўй!

— Ие, нега?! — ажабланди Боймирзаев.

— Бошлиқ бўлиб ишлаганингда бизнинг «доля»мизни бермагансан. Шу доля 200 минг сўм бўлади:

— Ҳозир пулим йўқ. Бировлардан қарз олиб келтириб бераман, — деди ноилож қолган собиқ бошлиқ. Аммо ҳушёр кишилар унга далда беришди. «Бир сўм ҳам бермайсан» дейишди улар. «Ургилдик ўша тайёрга айёрдан».

Имтиҳондан ўтиб олиш учун пул талаб қилиш ҳам Қурбонов келгандан кейин очиқча тус олди. Йиқилган киши 30 минг сўм берса, қайта имтиҳондан ўтади. Демак, бир имтиҳоннинг нархи — 30 минг сўм. Шундай бўлгач қанча кўп одам имтиҳондан йиқилса, бошлиқларга шунча фойдали.

Абдуғофир Шарипов операторликдан Гулистон станцияси бошлиғи вазифасига кўтарилган эди. У Эркин Ярашев ташландиқ ҳолга келтирган станцияни намунали қилиб, вилоят бўлими бошлиғи Мамаражаб Шердилов билан бирга катта ишларни амалга оширди. Шу сабабли бош директор Рустам Азимов Сирдарё вилоятида республика семинари ўтказиб, бу ердаги ташаббус ва тажрибани ҳаммага намуна қилиб кўрсатди. Лекин А. Қурбонов станция бошлиғи вазифасидан вилоят бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилгач, ҳар иккаласини йўқотиш пайига тушди. Шариповга ариза ёздирилиб, операторлик вазифасига ўтказилди. Янгиер станциясининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Шердилов эса бугун — эрта «Ўзбекавтогаз» тизимидан бутунлай кетадиган бўлиб турибди. Холбуки, кечагина Азимов уни вилоят бўлими бошлиғи вазифасидаги ишлари учун кўкларга кўтариб мақтаган эди.

Энди Абдураҳим Мулдабеков ҳақида икки оғиз сўз. Бу кишининг маълумоти қанақа — бу ҳақда бирор гап йўқ. Бир вақтлар Сирдарё шаҳар нефт маҳсулотлари базасида ишлаб, бу ердан кетишга мажбур бўлган Мулдабеков — ҳозир Гулистон станциясининг бошлиғи. У бу ерга келиб нима иш қилди, станцияга бирор фойдаси тегдими, буни тегишли ташкилотлар аниқлар, меҳнат жамоаси эса бу масалада афсус билан гапиряпти. Хуллас, яхши, ташаббускор, одамлар билан тил топишиб ишлайдиган раҳбар ўрнига бор-йўғи «доля» йиғадиган кишини бошлиқ қилиб қўйишди. Бу ҳам Азимовга хос раҳбарликнинг бир кўриниши.

Одамларнинг айтишича, Қурбонов ва Мулдабеков ҳомийлигида ташкилотларга насияга пулсиз газ бериш кучайди. Бизнингча, бу — жиноят. Буни Азимов биладими? Газ берилган вақти билан пул тушган пайт қиёсланса, бу нарса аниқ кўринади-ку! Бу нима ўзи? Кўзбўямачиликми?

Яқинда Гулистон станциясида яна бир гап тарқалди. Аллақайси идорадан текширувчилар келиб кетганмиш. Энди уларни тинчитиш зарур бўлган эмиш. Ана шу гап асосида ҳар бир оператордан (улар станцияда 12 киши) 25 минг сўмдан пул йиғиб олинди. Эҳтимол, бу ҳам Қурбонов ва Мулдабеков учун пул тўлашнинг бир йўлидир.

Рустам Азимов дастлаб бизга қўй оғзидан чўп олмайдиган киши бўлиб кўринди. У нуқул «Мен детдомда ўсганман» деб тўғрилигига, ҳаллоллигига ишонтирмоқчи бўлади. Аслида-чи? Аслида у бош директор бўлиб ишга келган бир йилдаёқ ўз фойдасига қатор ишлар қилиб улгурди. Аввало кечагина ювош, мўмин бўлиб кўринган бу «камтар» одам ўз қўл остидаги одамларни бўралаб сўкадиган, обрўсини бир тийинлик қилиб ташлайдиган шахсга айланди.

Молия интизомини бузиб, давлатнинг маблағларини талон-тарож қилиш соҳасида Азимов юлдузни бенарвон урадиган киши эканини кўрсатди. Масалан «РАФ» ва «Волга» автомашиналари таъмири масаласини олайлик. Бу иккала машинага бир миллион 570 минг сўм пул сарфланди. Бироқ «тирилтирилган» «Волга» негадир дарҳол ҳисобдан чақирилиб (списать қилиниб) йўқ бўлди қолди. Азимовнинг ўзи миниб юрадиган «Волга» (00 86 ТНС) автомашинаси таъмирига эса бир миллион 800 минг сўм пул тўланди. Ҳолбуки шунча пулга янги автомашина сотиб олса бўларди.

«Ўзбекавтогаз» бошқармасида 30 дан ортиқ уяли телефон аппарати бор. Шуларнинг тўрттаси Азимов жанобларига хизмат қилади. Ё тавба! Бир одамга бир телефон етмайдими?

«Ўзбекавтогаз» тизимидаги ходимларга ун ва гуруч тарқатилиши лозим эди. Сентябрь ойида бу маҳсулотлар берилмади. Ундан аввалги тақсимловда эса тарқатилган ун ва гуручнинг баракаси ўчиб, эгаларига етгунча ярмидан кўпи «йўлларда қоқилиб» қолди. Битта Сирдарё вилоятини мисол қилиб оладиган бўлсак, ўн қоп ун кам берилди, сичқон қўргурлар мечкай бўладими?!

«Ўзбекавтогаз» тизимида узоқ йиллар ишлаган кишилардан анчагинаси штат қисқартириш баҳонасида ишдан бўшатилди. Уларга ҳам 13-маош берилиши лозим эди. Аммо бундай қилинмади шунга ажратилган маблағлар турибдими ёки гойиб бўлдими буни мутасадди идоралар суриштирар.

Қиссадан ҳисса шуки, «Ўзбекавтогаз» тизимида кадрлар билан ишлашни тубдан ўзгартириш, нолойиқ кишилардан бу тармоқни тозалаш, умуман, тармоқни соғломлаштириш бўйича қатъий чоралар кўриш лозим. Акс ҳолда хатолар патос боғлаб, жиноятлар яна кўпаяди.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Адолат»нинг мухбири.

● 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Конституциямиз қабул қилинганига 7 йил тўляпти. Шу қисқа даврда Асосий Қонунимиз жамият ҳаётида ўзининг мавқеига, салоҳиятига эга бўлиб, унда акс этган тамойиллар, қонун-қоидалар тўла-тўкис амалда бажарилмоқда. Маълумки, Конституциянинг қабул қилиниши республика тарихидаги буюк воқеа эди. Халқимиз илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди. Ва бу тарихий факт унинг Конституциясида мустаҳкамланди.

Мазкур ҳужжат дунё сиёсий ҳаётида янги демократик давлат пайдо бўлганлигини акс эттирди. Конституция — халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзуси ҳисобланади. Конституциямиз давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлигини худди кўзгудагидек акс эттириб турибди.

— «...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик» деганларида Юртбошимиз тамомила ҳақ эдилар.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 йиллигига бағишланган «Конституциямиз — инсон ҳуқуқларининг кафолоти» мавзуида ўтган маънавий-маърифий анжуманда ҳам Асосий Қонуннинг ниҳоятда халқчил ва мукаммаллиги тўғрисида фикр юритилди.

Анжуманни очган республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев Конституция — бу давлатнинг асосий қонуни бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг энг муҳимларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мужассам эканлигини таъкидлади. — Конституция мамлакатда қонунчилик учун юридик база бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчи маротаба жамият ва давлатнинг фуқаролар олдидаги бурчи белгилаб берилди. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласи юқори даражада ва янги кўринишда талқин қилинди.

Шунингдек анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Конституциявий суди раиси Б.Эшонов, Президент девони бош консультанти С.Олимов «Конституция ва фуқаролик жамияти», «Конституция ва миллий қадриятларимиз» мавзуларида нутқ сўзладилар.

Зеро, Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори саналади давлатни давлат, миллатни миллат сифатида жаҳонга танитади. Шу жиҳатдан бизнинг Асосий Қонунимиз ҳам халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. У чинакамига Юртбошимиз бошчилигида халқимиз қураётган ҳуқуқий демократик давлатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий кафолотидир.

Ф.САЙДАМАТОВА.

Эртаю кеч тиним билмайдиган бу ўткир журналист қишлоқ хўжалиги мавзусини, пахтакор, сут соғувчи, чорвадорлар ҳаётини жуда яхши ёритади. Собиқ совет даврида ҳам ҳақ сўзни ёзиб келган. Ёзган фикрларидан ҳеч қачон қайтмаган. Унинг қаламидан не-не қаҳрамонлар чиқиб кетган. Осмондан туриб пахта баргини тўкиш учун пала-партиш заҳарли кимёвий дориларни сепганларга қарши изтироб билан ёзилган мақолалари, бир гуруҳ дала заҳматкашлари ҳақида ёзган очеркларини ҳали ҳануз ёдимизда. Ҳозир ҳам тиним билмай ижод қилаётган ҳамкасб шогирдимга узоқ умр тилайман.

Мақсуд ҚОРИЕВ,
ёзувчи.

Табиатан ўта синчков бўлмасам-да, атрофимдаги одамларнинг феъл-атворига қизиқсиниб қарайман. Дўстларим кўпдай. Аммо кўнгил тўлиб кетганда, дардлашадиганларим унча кўпмас-да! Каримжон ака бўлса ҳар қандай дардингизни эшитади. Энг қийин юк — бу бировнинг сирини сақлашдир. Тоза юракка эса бу мушкулмас. Каримжон Рихсиев билан кўришганимда самимият мени қуршаб тургандай туюлади. Ҳақлик учун ўзимда даъват сезаман шунда.

Қаламида ҳам шуни кузатаман.

Самимият Каримжон аканинг ҳамма дўстларини унга боғлаб туради. Қувноқ, жилмайиб турса-да, юрак қатида адолатсизликка қарши ўтли исён тафтини кўраман.

Дўстнинг эскиси яхши. У менга шундай, эски дўст.

Қутлаймиз

«Эр кишининг билимини унинг сўзидан ахтар, наслини билмоқчи бўлсанг унинг хулқидан ахтар». Доноларимиз топиб айтган ушбу ҳикматни эшитганимизда истеъдодли журналист, тажрибали, чуқур билимли, хушчақчақ инсон Каримжон Рихсиевни кўз ўнгимиздан ўтказамиз. Чунки у ўзининг матбутдаги сермулоҳаза, серфикр, сермаъно мақолаю лавҳалари, очерку фельетонлари билан эл оғзига тушган. Ширин муомаласи, дилкашлиги, тўғрисўзлиги, мардлиги билан дўсту қадрдонлари ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Мана яқиндагина қалам ва блокнотини қўйнига солиб далаю чўлни, боғу тоғни, шаҳару қишлоқларни кезиб юрган Каримжон Рихсиев 50 ёшни уриб қўйибди. У 1949 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида отаси олтмиш ёшлигида таваллуд топган. Ёшлигидан қишлоқ ҳаётини чуқур ўрганди. Қўлидан иш келиши билан колхозда меҳнат қилди. Ўрта мактабни битириб ўн йил босмахонада оддий ишчи бўлиб ишлаган. Тошкент Давлат университетини битиргач, Ўзбек Энциклопедиясини яратишда иштирок этди.

1981 йилдан «Ўзбекистон овози» газетасида катта мухбир, бўлим бошлиғи вазифаларида қалами чархланди. Сўнгра «Қишлоқ ҳаёти», «Халқ сўзи» газеталарида бўлимга раҳбарлик қилди. Айни пайтда «Адолат» газетаси Бош муҳаррирининг муовини бўлиб ишлаётир.

Биз бугун ўткир қалам соҳиби, дилкаш дўст, меҳрибон устоз Каримжон Рихсиевни таваллуд кунлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

«Адолат» газетаси таҳририяти ва ижодий жамоаси.

«ОЛТМИШБОЙ» ЭЛЛИККА ТЎЛИБДИ

Саида БОНУ,
«Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири.

Каримжон, дўстим! Сизни роса ўттиз беш йилдан бери биламан.

Сиз ёзган бир-биридан долзарб мавзудаги мақолалар, репортажлар, очерклар ва танқидий мақолалар аллақачон ўз ўқувчисини топганлиги рост. «Каримжон Рихсиев» имзоси газета борки, барчасининг саҳифасидан доимо ўрин олиб келади. Яхши, илиқ сўзлар билан ардоқланади.

Тақдир тақозоси билан икковлон «Қишлоқ ҳаёти», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида бир хонада ишладик. Қувонч ва ташвишларимизни биргаликда баҳам кўрдик. Ижодий сафарларда бўлиб, кўпгина муаммоларни биргаликда ёритдик.

Ростини айтсам, Сиз кўз ўнгимизда ўзингизнинг забардаст журналист, қалами ўткир фельетончи, яхши публицист сифатида кўрсата олдингиз.

Йилларнинг шафқатсизлигини қаранг, сиз ҳам элликвойлар сафига кириб келибсиз. Мен нима ҳам дердим: «Хуш келибсиз, укажон, элликвойлар сафига. Қани, тўрга ўтинг!» дейман кўнглим тўлиб. Ҳамиша омон бўлинг!

Шавкат ТУРОБ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир.

Каримжон ака виждони уйғоқ, тўғрисўз, инсоний фазилатлари бисёр ижодкор. Оқни оқ, қорани қора дея оладиган мард, қалби амрига қулоқ тутадиган, саховат кўчасидан жуда кўп ўтган диёнатли инсон. Аҳли аёлига вафодор, фарзандларига меҳрибон ота, набираларига суюкли бобо. Қадр-қиммати ва ғурурини, адолатни ҳимоя қила оладиган жасур журналист.

Кулиб-кулиб, ёниб-ёниб, узоқ умр кўриб-кўриб, иззатларда яшайверинг!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
публицист.

Каримжон ака билан биз «Ўзбекистон овози»да бирга ишлаган кезларимиз қадрдон бўлиб қолганмиз. У ҳамиша кулиб туради. Сени қалби, бутун вужуди билан берилиб тинглайди. Бир зумда оқни оққа, қорани қорага ажрата олади. Бу унинг кўпни кўрганлигидан, адолатга, ҳақиқатга ҳаётини бахшида этганлигидан. Каримжон аканинг эл оғзига тушган юзлаб мақолалари, очерк ва фельетонлари бор. Уларнинг барчаси ёниқ қалбнинг дил наволаридир. Бу наволар халқнинг қалбида, қаҳрамонларининг қалбида, дўстларининг қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Каримжон Рихсиев тиниб-тинчимас журналист. Дам Фарғона водийсида, дам Сурхондарёю Қашқадарёда, дам Бухорою Самарқандда, қўйингки, кўплаб шаҳар ва қишлоқларда тез-тез бўлиб туради. Ноҳақликка учраганларнинг мактубларини текшириб, уларнинг дардига малҳам бўлиб, ёрдамини бериб, адолатни тиклаб қайтади. Не-не одамларнинг дуосини олади. У шундай заҳматкаш, меҳнаткаш, ҳалол ва пок инсон. Ёшларнинг мураббийсидир.

Адолатпарвар инсон Каримжон Рихсиевга Оллоҳ яна шунча умр насиб этсин. У юз ёшга кирганида ҳам қиртиллама йигитлардек бардам бўлиб юрсин. Қалами ҳеч қачон қайрилмасин.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
журналист.

ҚУРУҚ, ҚОШИҚ, ОҒИЗ ЙИРТАРМИШ...

(Фельетон)

Бундан бир неча кун олдин таҳририятимизга бир онахон кириб келдилар. Қўлларида бир халта қоғоз, ҳужжатлар.

— Адолат излаб келдим, болам.

Онахон шундай деди-да, лаблари титраб, кўзларидан ёш қуйилиб кела бошлади. Кўриниб турибдики, ниҳоятда азобланган. Аёл бир муддат йиғлаб олгач, бир оз тинди-да, сўзини давом эттирди.

— Мен Бобакова Гулистон бўламан. Яккабоғ туманидаги Мевазор қишлоғида яшайман. Умр бўйи далада меҳнат қилдим. Бир этак болани тарбиялаб вояга етказдим. Эрим ҳам оддий колхозчидан чиққан. Ҳозир хўжаликда муҳандис бўлиб ишлаяпти. Бизни туҳматдан қарздор қилиб қўйишди. Билмадим шунча пулни қаердан оламан.

Гулистон аянинг кўзларида яна ёш қалқди. Ёшларини рўмолининг учи билан арта-арта чуқур хўрсиндида, дилидаги аламларини тўкиб солди. Суҳбат узоқ давом этди. Биз унинг тафсилотини баён қилиб ўтирмай, воқеани қисқача айтиб ўтишни лозим топдик.

Шошилиб тушлик қилган Парда ака тезда ўрнидан турди. Хотинининг «Чойингизни ичиб олмайсизми», деганига қарамай кўча томонга юраркан:

— Бормасам бўлмайди. Олмага дори сепадиган пуркагич тўхтаб қолганди. Тезда юргизиб юбормаса вақт ўтиб кетади, — дедида дарвоза олдида турган машинасига ўтирди. Машина аста жойидан қўзғолди. Катта йўлга чиқиб олган машина 600 метрлар чамаси юргач нариги йўлга ўтиш мақсадида тўсиқ тугаган жойда бурилиши учун тўхтади.

Шу пайт қаттиқ товуш, силкинишдан ҳушини йўқотиб қўяёзди. Кучли зарба машинасини улоқтириб юборди. Бироз ўзига келгач машинасидан тушса, нарироқда «Дамас» русумли машина ағдарилиб ётибди. Ичидан бирин-кетин одамлар тушиб келишмоқда. Қараса ҳеч ким қаттиқ жароҳатланмаган.

— Ҳайрият, — деди Парда ака одамларнинг соғомонлигини кўриб, — ҳеч ким қаттиқ шикастланмабди. «Дамас» машинаси шофёри чалғигандирда, машинамни кўрмай қолган. Меники озгина пачоқ бўлибди. Милиция одимлари зараримни ундириб беришар.

Лекин Парда ака чучварани хом санаган экан. Текширув, кузатув, суриштирув, ҳужжат тўлғазишлар шундай ташкил этилди-ки, у айбсиз айбдорга айланди. Бўйнига катта миқдорда пул тўлашни илиб қўйишди. Қандай қилиб?

Аслида воқеа содир бўлган жойга бир пастда ДАН ходимлари етиб келишди. Ўлчашди, чизишди, суриштиришди. Натижада йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишининг чизмаси юзага келди. Унинг тўғрилигини воқеа содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган ДАН ходими Шоди Холназаров ҳам тасдиқлади. Парда ака тажрибали одам эмасми, ҳар эҳтимолга қарши ўша чизмадан нусха кўчириб олди.

Аммо бир оз вақт ўтгач иш чаппасига кета бошлади. Уч кундан сўнг Парда аканинг «айби»ни тасдиқловчи бошқа чизма юзага келди. Тергов ишлари бошлаб юборилди. Ниҳоят иш судга оширилиб, у қўшни Қамаши туман судида кўриладиган бўлди. Пардавой ака эса: «Адолат бор-ку, бир кун ҳақ жойига қарор топар, айбдордан зараримни ундириб беришар», деган ўй билан ишини қилиб юраверди.

Бир куни яъни 19 июнь куни соат ўн бирларда Қамаши туман судьяси Поён Рўзиев билан ДАН ходими Холтўра Жумановлар Парда Бобаковнинг уйига кириб келишади.

— Ака, — дейди Поён Рўзиев, — халқимизда «қозоннинг қулоғини қаердан чиқариш қозончининг қўлида», деган гап бор. Ишингиз бизда экан, ёрдам қилишимиз мумкин.

— Барака топинг иним, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг. Бир умр ҳаққингизга дуо қиламан, — дейди Парда ака суюниб.

— Э, қизиқ экансиз-ку, «қурук қошиқ оғиз йиртар», дейишади. «Мулла жирингдан чўзинг.

— Қанча?

— Бизда инсоф бор ака, кўп олмаймиз. Юз минг бersangиз етади.

— Мен шунча пулни қаердан оламан.

— Унда ўзингиздан кўринг.

Поён Рўзиев шундай деди-да, хайр-хушни насия қилиб жўнаб қолди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни лозим топдик. Судья жаноблари мен жавобгардан: «пул сурамаганман, иш юзасидан келганман», дейишлари мумкин. Одатда судья даъвогарни ҳам, жавобгарни ҳам керакли жойга чақирув қоғози билан чақиртириб гаплашади. Унда Рўзиев Қамашидан Яккабоғга нега келди? П. Рўзиев ва Х. Жумановларнинг Парда аканинг уйига келганини эса унинг қўшнилари Норҳол Холбоева, Раҳима Бекпўлатова, Норҳол Йўлдошевалар кўришган. Мана шу жумбоқнинг ўзиёқ масалани ойдинлаштириб турибди.

Қолаверса, биз воқеа билан чуқурроқ танишиш мақсадида Яккабоғда бўлганимизда Қамашига Поён Рўзиев ҳузурига ҳам бормоқчи бўлдик. Аммо маълум бўлишича у бошқа одамдан пора олаётганда ушланиб, қамалиб кетибди. Унгача П. Рўзиев Парда Бобаковнинг ишини ўзи билганича ҳал этиб, тўхтаб турган машинага келиб урилган, «Дамас»ни тиклаб бериш учун 528 минг сўм тўлаши лозимлиги ҳақида қарор чиқаради.

Қарор билан чуқурроқ танишган киши ундаги ноаниқликларни сезмасдан иложи йўқ. Аввало Парда Бобаков суд мажлисида умуман иштирок этмаган. Судья эса қарорда бундай деб ёзади:

«Суд муҳокамаси даврида ҳуқуқбузар Бобаков Парда содир этган ҳуқуқбузарлигига икрор бўлмасдан 1999 йил 5 май куни соат 15-30 ларда Яккабоғ туманидаги Мевазор қишлоғида ўзининг уйидан чиқиб ишга бориш учун ўзининг шахсида бўлган Москвич-412 русумли А 93-04 КФ давлат рақамли автомашинасини икки томонлама ҳаракатланувчи йўлнинг Олма-Ота-Бешкек, Тошкент-Термиз йўлининг Шаҳрисабз томонидан ҳаракатланиб келаётганлигини, кейин йўлнинг икки томонлама ҳаракатланувчи қисмининг бардер тугаш жойида чап томонга бурилиши учун машинасини бурганлигини, шу вақти унинг орқасидан, яъни Шаҳрисабз шаҳри томондан келаётган «Дамас» русумли автомашинаси унинг автомашинасини орқа қисмидан келиб, урилиб, ағдарилиб тушганлигини баён қилади».

Мана қарордаги «Дамас» автомашинаси ҳайдовчиси Маҳматқул Ҳамроевнинг кўрсатмаси: акс этган қисми:

«Суд муҳокамасида ҳуқуқбузар Ҳамроев Маҳматқул содир қилган ҳуқуқбузарлигига қисман иқрорлик билдириб, 1999 йил 5 май куни Комилов Аҳмадни номида бўлган «Дамас» русумли автомашинасини бошқариб келаётганлигини, шу вақти соат 15-30 ларда Яккабоғ туман Боғдорчилик жамоа хўжалигининг Мевазор қишлоғида қишлоқ ичида, катта асфальт йўлда Шаҳрисабз шаҳар томондан келишда йўлнинг икки томонлама ҳаракатланувчи йўлни ўрта қисмида, бардер тугаш жойини яқинидан, Бобаков Парда ўзининг бошқарувида бўлган «Москвич-412» русумли автомашинаси билан чиқиб қолганлигини, шу вақти у йўлини «Москвич» автомашинаси тўсганлиги учун «Москвич» автомашинасини орқа томонидан бориб урилганлигини, натижада ўзининг бошқариб келаётган «Дамас» русумли автомашинасини ағдарилиб кетишига сабаб бўлганлигини, «Дамас» автомашинасига 52800 сўм зарар етканлигини баён қилади».

Эътибор берган бўлсангиз ҳайдовчи машинасига 52800 сўм зарар етказилганлигини айтаётир. Судья эса зарарни 528 минг сўм деб кўрсатмоқда. Яна Маҳматқул Ҳамроев машинаси «Москвич» автомашинасига урилиб, сўнг ағанаганлигини баён қиляпти.

Ўша воқеа содир бўлган вақтда «Дамас» машинаси ичида бўлган: Аҳмат Комилов қарорда ёзилишича, суд муҳокамаси даврида берган кўргазмасида эса **«1999 йил 5 май куни ўзининг шахсида бўлган «Дамас» русумли автомашинасини Ҳамроев Маҳматқул бошқарган ҳолда Тошкент шаҳридан келаётганларини, соат 15.00 ларда Яккабоғ туман Мевазор қишлоғи ичидан ўтишда икки томонлама, ҳаракатланувчи йўлни бардер тугаш жойида йўлнинг ўнг томонида «Москвич-412» русумли автомашина тўхтаб қолганлигини шу вақтда Маҳматқул «Дамас» автомашинасини тезлигини камайтириб ҳаракатлана бошлаганлигини шу вақтда Бобаков П. бурилмоқчи бўлиб, Дамасни йўлига чиққанлигини, шунда «Москвич»га бориб урилмай деб, машинани чапга бурганлигини, кейин «Дамас» русумли автомашинаси бардерга урилиб, ағанаганлигини баён қилади.**

Хўш, судья «Дамас» автомашинаси аввал ағдарилиб, кейин «Москвич» автомашинасига урилганми ёки олдин урилиб кейин ағанаганми, нега аниқламаган. Парда Бобаков нариги йўлга бурилмоқчи бўлиб бу ҳолни кўрмаганлиги аниқ. Бироқ, «Дамас» автомашинасида ёнма-ён ўтирганлар нега икки хил гапиряпти. Булар эътибордан четда қолган. Чунки судьянинг муддаоси пора бермаган Парда акани жазолаш бўлган.

Яна бир ҳолат. Судья Поён Рўзиев иккала машина ҳайдовчиси, яъни Парда Бобаковни ҳам, Маҳматқул Ҳамроевни ҳам ҳуқуқбузарликда айблаб жарима соляпти. Аммо уларнинг биттаси, яъни Парда Бобаков «Дамас» автомашинаси ағанаганда юзага келган зарарни тўласин, деб қарор чиқармоқда Бу ғирт мантиқсизлик эмасми?

Қолаверса, воқеа қандай содир бўлганини кўрган холис гувоҳлар бор. Аммо судья уларни чақиришни ҳам, сўзларини эшитишни ҳам лозим кўрмаган. Мана уларнинг айримлари ёзиб берган «Тушунтириш хат»ларидан намуналар:

«Мен Тўраева Улжон 1950 йилда туғилганман. «Яккабоғ» жамоа ширкат хўжалигида раис муовини вазифасида ишлайман. 5 май куни Тошкент-Термиз йўли ёқасидан кетаётган эдим. «Дамас» автомашинаси сариқ рангли «Жигули» автомашинасини катта тезликда қувиб келаётган эди. Кейин «Дамас» чап томондаги тўсиққа урилиб, ағдарилди ва сурилиб бориб Бобаков Парданинг машинасига урилди».

«Мен Раҳимова Санобар 5 майда катта йўл четида турган эдим, Бобаков Парда ака уйидан «Москвич» автомашинасини ҳайдаб чиқиб, бурилиш чироқларини ёқди. Шунда орқасидан катта тезлик билан сариқ рангли «Жигули» автомашинаси ва кўк рангли «Дамас» автомашинаси қувишиб кетаётган эди. Шу пайт бирдан «Дамас» автомашинаси чап томони билан тўсиққа урилиб ағанаганини кўрдим. Сўнг машина бурилиш учун тўхтаб турган «Москвич» автомашинасининг орқасига урилиб, нарига сурилиб кетди. Мени кўрган билганим шу».

Шундай хатларни Феруза Отақулова, Саттор Қурбонов, Алишер Отақулов, Нурилла Холмирзаев, Рустам Тоштурдиевлар ҳам ёзиб беришган. Аммо судья уларни чақириб сўрашни ўзига эп кўрмаган. Фақат «Дамас»дагилар гувоҳлиги қайд этилган холос. Юқорида айтганимиздек, суд муҳокамасида қатнашди деб ёзилган Парда Бобаков ҳам, Гулистон Бобакова ҳам судга чақирилмаган. Бундан суднинг ўзи бўлганмикин ёки қарор шундоққина ёзиб қўйилганмикин, деган савол туғилиши табиий.

Яна бир гап. Қарорда қайд этилишича, суд 1999 йил 6 июлда бўлган. Аммо унинг нусхасини жабрланувчига 25 августда беришган. Бу билан Парда Бобаков вилоят судига шикоят қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Аммо Парда ва Гулистон Бобаковлар Республика Олий суди, Ички ишлар вазирлигига аризалар ёзишди. Ушбу аризалар Қашқадарё вилоят судига юборилган экан. Вилоят судида иш назорат тартибида ўрганиб чиқилди. Аммо бу ерда ишни ҳар томонлама таҳлил этиш, аризадаги фикрларни текшириб кўриш ўрнига туман суди қарорини кўчириб аризачига жавоб бериб юборавергaнлар.

Яккабоғ туман суди ижрочиси Элмурод Хаитов суд қарорини бажаришга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. У мутахассислар, гувоҳлар иштирокида Парда Бобаков хонадонини тити-питисини чиқариб уй анжомларини баҳолашгача киришиб кетган.

Бундан ташқари ҳозир порахўрлиги учун қамоқда ўтирган судья Поён Рўзиев билан жабрланувчининг уйига борган ДАН ходими Холтўра Жуманов «Москвич» автомашинаси ҳужжатларини 7 ой ўзи олиб қўйган. Яқинда у Элмурод Хаитов билан машинани Парда аканинг иштирокисиз 150 минг сўмга баҳолаб, «Дамас» машинаси эгасига бериб юборибди.

Кўриниб турибдики, бир оилага жабр қилинган. Буни биз Яккабоғда бўлганимизда оддий одамлардан тортиб, «Яккабоғ» боғдорчилик жамоа ширкат хўжалиги раҳбари, ҳатто, туман ҳокимигача таъкидлашди. Адолатни қарор топтиришда ёрдам беришимизни илтимос қилишди. Чунки Парда Бобаковни айбдор қилиш учун айримларга қандайдир «сеҳрли таёқча» йўл кўрсатаяпти. Ўйлаймизки, қилни қирқ ёрадиган инсофли, диёнатли, адолатли ҳуқуқ посбонлари ўша сеҳрли таёқчани топиб, сеҳрига барҳам берадилар.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА» ФИЛЬМИ ПАРИЖДА

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI бўсағасида» номли асари асосида суратга олинган ҳужжатли фильмнинг намойиши бўлиб ўтди. Унда Париждаги етакчи банклар вакиллари, иқтисодчилар, олимлар ва кенг жамоатчилик аъзолари иштирок этдилар. «Узбеккино» Давлат ҳиссадорлик Компаниясининг ҳужжатли фильмлар студияси томонидан суратга олинган фильмда Ўзбекистон иқтисодиётининг шакланиш босқичлари, унинг ҳозирги имкониятлари ва халқаро иқтисодий-молиявий тизимга уйғунлашуви жараёнлари ёритилади.

Фильм намойишидан аввал сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Тоҳиржон Мамажонов мазкур фильм юртимизда кечаётган туб иқтисодий ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг моҳиятини тушуниб етишда ва Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар билан яқинроқ танишишда муҳим манба бўлишини таъкидлади.

Фильм республика Ташқи Ишлар вазирлигининг саъй-ҳаракати билан Англия, Германия ва Бельгия давлатлари пойтахтларида ҳам намойиш этилган. Унинг Париждаги намойиши франциялик томошабинлар томонидан ҳам ижобий баҳоланди.

Фильм директори Тўйчи Аҳмедов «Туркистон-пресс» мухбирига берган махсус интервьюсида мазкур фильмнинг яратилиши заминида ётган икки асосий мақсадни қайд этиб ўтди. «Фильм бир томондан, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарида олға сурилган ғояларнинг амалга қандай татбиқ этилаётганини тасвирий жиҳатдан акс эттирса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиятини дунёга кўрсатиб, шу орқали хорижий сармоядорларни мамлакатимизга жалб қилишга муҳим ҳисса қўшади», деди Т. Аҳмедов.

Шоҳиста ТЎХТАБОЕВА,
«Туркистон-пресс»нинг Франциядаги мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партия аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мамлакат Мирзаевага волидаи муҳтарамаси, меҳнат фахрийси

Тилла ая МИРЗАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Зафар ОМОНТУРСУНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 1020, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босилган топширилди 21.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.